

Бугун Навоий шахрида Касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида «Ёшлар йили»га бағишланган спартакиаданинг Республика босқичи бошланади. Мусобақа иштирокчиларига омад ёр бўлсин!

Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Бугун юртимизда амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, айни пайтда олдимизга қўйган улғу мақсадларимизга, ҳеч қандам кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига етиш учун ҳали бөлни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарурлигини, ўйлашманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Ислом КАРИМОВ

2008-йил 9-сентябр
№ 111 (2524)
seshanba

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Янгиликлар панорамаси

Қишлоқ ёшлари кўриги

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ўрта-маҳсус касб-таълим маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ ёшларига кенг эътибор қаратмоқда. Шу йилнинг август ойи ҳолатига кўра, 335 нафар коллеж битирувчисига 454 млн. сўм имтиёзли, 7,4 млрд. сўм миқдорда умумий кредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, ёшлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар ҳам гоянда самарали бўлмоқда. Жумладан, «Ёш тадбиркор — юртта мададкор» танловининг вилоят босқичи натижасига етганлиги. «Ёш тадбиркор» томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови эса яқинлашди. Унда 385 нафар ёш тадбиркор ўз лойиҳалари билан иштирок этди.

1-ўрин Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Васен сервис» МЧК раҳбари Хасан Муродова, 2-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Туртқул туманидаги «Ритм» хусусий фирмаси бошлиғи Райхон Сабуровага, 3-ўрин Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридаги «Нарпай соғломлаштириш» маркази бош шифокори Феруза Сафаровага насиб этди.

Шунингдек, тадбирда «Энг чекка қишлоқдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа» номинацияси бўйича Сурхондарё вилоятидан ЯТТ «Турдиева Чарос» кичик корхонаси раҳбари Чарос Турдиева, «Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа» номинацияси бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туманидан ЯТТ «Ирисова Шаҳноза» тадбиркорлик субъекти бошлиғи Шаҳноза Ирисова, «Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича Хоразм вилояти Шовот туманидаги ЯТТ «Матёқубов Мансур» дуралдорлик цехи раҳбари Мансур Матёқубовлар ғолиб деб топилди. Тадбир пировадидида ғолиблар ва қатнашчиларга қимматбахор совғалар топширилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Янги цех очилди

Анджон туманилик тадбиркор Шерзодбек Иминов ўз хонадонидан янги чеварлик цехи очди. Бичиш-тикиш дастгоҳлари, ЧАЙКА ЯПОНС ЗИНГСК тикув чок машиналари ўрнатилган цехда 24 нафар хотин-қиз иш ўрнига эга бўлди.

Касаначилик асосида ишлаётган аёллар маҳсус иш кийими, ёзлик, қишлоқ ҳалатлар тикмоқларда. Сифатли тикилган кийимлар тезда ўз харидорларини топапти.

Ж. ТУРДИЕВ

Саноат энергетика коллежи

Қашқадарё вилоятининг Нуристон шаҳарчасида барча қўлайликларга эга бўлган 645 ўринли саноат энергетика коллежи қуриб битказилди.

Марказий Осиёда гигант корхона Талимаржон иссиқлик электр станцияси ва мамлакатимиз энергетика комплекси учун ўрта маҳсус маълумотли кадрлар тайёрлайдиган янги билим масканини Ғузор туманидаги «XXI аср» корхонаси қурувчилари бунёд этдилар. Қурилишда қисқа муддатда 2 миллиард 149 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

«Самарқанд стеклопластик» акциядорлик жамиятининг жамоваси 190 миллион сўмлик иш бажариб, хоналарни шинам қилиб жиҳозладилар. Бу ёрда ўкув устaxonаси, 180 ўринли фаоллар зали, катта ўйингоҳ, ёпиқ спорт зали, турли фан кабинетлари ишлаб турибди.

Иzzат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Балли, Равшан!

Равшан Ҳамроев — Бухоро шахридаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси, икtidорли шахматчи. Яқинда у Шотландия пойтахти Глазго шахрида бўлиб ўтган ушбу мамлакат очик чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Дунёнинг 8 мамлакатидан 60 га яқин кучли шахматчилар қатнашган мусобақда Равшан 9 ўрашунинг тўрттасида ғалаба қозониб, 5 тасида дурангга эришди.

Учрашувда қатнашган бир қатор халқаро гроссмейстерлар ва таниқли шахматчилар Р.Ҳамроев қобилиятини юқори баҳоладилар.

Иzzатилла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Буюм бозори

Шахрихонда янги буюм бозори ишга туширилди. Унда барпо этилган 820 та дўкан ҳамда 800 га яқин савдо растасининг шинамлиги сотувчи-ю харидорларга манзур бўлаётти.

Манзулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллик иншоотлари



Янги кўприк ишга тушди


«Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темир йўли кейинги йилларда бунёд этилган йирик иншоотлардан биридир.

Мазкур темир йўлнинг Деҳқонобод тумани худудидан мураккаб тоғ даралари оралаб ўтган қисмида япон мутахассислари билан ҳамкорликда металлоконструкцияли янги кўприк қурилиб, ишга туширилди.

— Ер сатҳидан ўттиз беш метр баландликдан ўтувчи темир йўл кўприги саккиз пролетдан иборат бўлиб, узунлиги 273 метрни ташкил этади, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимбой Курбанов. — Айни кунларда навабдаги кўприклар қурилиши давом эттирилмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА)
олган сурат

Халқаро турнир



Бу йил Халқаро кураш ассоциацияси ташкил тоғанига 10 йил тўлди. Мазкур вақт тарихан унчалик катта фурсат саналмаса-да, курашнинг дунё бўйлаб ёйилиши учун етарли бўлди. Қуни кеча Шахрисабз шахрида яқунланган кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Амир Темура хотирасига бағишланган 5-халқаро турнир ҳам миллий спорт туримиз жаҳон сахнасида бир қанча халқларнинг севимли ўйинига айланганини кўрсатди.

Абдулла — Ғолиб

унинг издошлари борлиги қувонарли

«Хисор» марказий ўйингоҳида ташкил этилган турнирда Бразилия, Туркия, Греция, Ҳиндистон, Венгрия, Эрон, Россия каби давлатларнинг мутлоқ вазндаги энг кучли полвонлари иштирок этишди.

Ўйингоҳни тўлдириб ўтирган кураш ишқибозлари грек полвони Дионисис Илядис, бразилиялик Валтер Дос Сантос, франциялик Европа чемпиони Давид Харан, корейлик Баег Чул Сунгнинг маҳоратига таҳсинлар ўқишди. Шунингдек, юртимизнинг энг сара полвонлари жаҳон алпларига ўзбек курашидан «сабоқ беришга» ҳаракат қилишди.

Бир неча босқичли саралаш баҳсларидан сўнг ярим финалда ҳамюртларимиз Икром Нуруллоев ва Абдулла Тангриев, корейлик Чул Сунг ҳамда эронлик Саид Хусравнежад тиланга чиқиди.

Ярим финалга тажрибали ўтқир Курбановни мағлуб этиб чиққан Абдулла Икром Нуруллоевни ҳам очқолар ҳисобида таслим этди. Чорак финалда бир неча рақибни ҳалол йиқитган бразилиялик Валтер Дос Сантосни-да мағлубиятга учратган Саид Хусравнежад корейлик

полвонни енга олмади. Демак, финалда Абдулла Тангриев ва корейлик Баег Чул Сунг. Пекин-2008 Олимпиадаси совриндори, кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлган Тангриев якуний баҳсда ҳам маҳоратини намойиш этди ҳамда Президентнинг қўлга киритди.

Нега қашқадарёлик курашчилар турнир шохсуласидан ўрин ололмади? Саволимизга ушбу спорт туримининг вилоятдаги назоратчиси Норбобо Муродов қуйидагича жавоб кайтарди:

— Бугунги турнирда Қашқадарё жамоаси сафида Ше-

рали Жўраев, Наврўз Жўрақубилов, Фазлиддин Мейлиев, Марс Маҳмудов, Улуғбек Қўлдошев, Шухрат Назаров каби ёш полвонларимиз иштирок этди. Улар ёшлар ўрта-сиди ўтказилган Осиё ва жаҳон чемпионатларида, Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб бўлишган. Бугун уларга бироз тажриба етишмади. Лекин ёши анча катта, маҳоратли курашчиларга муносиб қаршилик кўрсатишгани қувонарли. Улар яқин йилларда Абдулла Тангриевдек ватан байрогини баланд кўтаришга қодир йигитлардир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Ҳамкорлик

Аёллар ва ёшлар:

Ўзбекистон барчага намуна

Аввал хабар қилганимиздек, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган халқаро хотин-қизлар конференцияси «Аёллар ва ёшлар: ижтимоий ҳимоянинг шакли ва услублари» мавзусига бағишланди.

Анжуманда ИСЕМ халқаро касаба уюшма ташкилоти Бош қотиби Манфред Варда, ИСЕМ халқаро касаба уюшма ташкилоти вице-президенти, хотин-қизлар қўмитаси раиси Евгения Есенина, ИСЕМнинг хотин-қизлар комиссиялари иши бўйича бош мутахассиси Керол Брюс ҳамда Россия, Украина, Беларусь давлатларининг тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О.Мухитдинова, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти бўйича вакили Л.Ғофуровалар сўзга чиқиб, Ўзбекистонда аёллар ва ёшларнинг билимини ошириш, касб танлаши, оилада бекалик, оналик билан бирга давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши учун яратилаётган шарт-шароит, унинг натижаси ўлароқ эришилаётган ютуқлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўхтадилар.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, мамлакатимизнинг норматив-ҳуқуқий ва қонунчилик негизи аёлларнинг тадбиркорлик ва тижорат соҳасида фаолият юритиши учун ҳам кенг

имкониятлар яратиб берди. Бугун аёл — она, уй бекаси, ўз касбининг устаси, фаол давлат ва жамоат аربобидир.

— Мамлакатимиз ижтимоий ривожланиш даражасини намоён этувчи кўрсаткичлардан бири хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва аёлнинг жамиятда тутган ўрнидир, — деди Ўзбекистон Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг хотин-қизлар комиссияси раиси, Марказий кенгашнинг Тошкент вилояти вакили, ИСЕМ халқаро касаба уюшма ташкилоти Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ худудий ташкилоти хотин-қизлар қўмитаси раиси Маъжуда Халилова. — Аёлларга ҳар томонлама шароит яратиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласи доимий равишда давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда ва бугун биз бунинг самарасини кўриб турибмиз.

Конференцияда мамлакатимизда гендер тенглик, яъни аёллар ва эркекларнинг бир хил ҳимояланганлиги масаласида зарур ҳуқуқий майдон яратилганлиги алоҳида эътироф этилди. Аёллар ҳуқуқлари Конституция, Фуқаролик, Оила ва Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Ўзбекистон «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари»ни тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг хотин-қизларга алоқадор қатор конвенциялари ратификация қилинган.

(Давоми 2-бетда)

Аёллар ва ёшлар: Ўзбекистон барчага намуна



(Боши 1-бетда)
Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар орасида Ўзбекистоннинг «Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни алоҳида ўрин тутди. Унга мувофиқ бюджет ташкилотлари ва мусассаларида ишловчи 3 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларга ойлик маоши сақлаб қолинган ҳолда ҳафтасига 35 соатдан ошмаган қисқартирилган иш вақти белгиланган.

Кейинги йилларда тармоқдаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ва келишувларига хотин-қизлар учун қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилиб, шу орқали сезиларли натижаларга эришилди. Хомилдор аёллар ва оналарга пул тўланадиган қўшимча таътил бериш, 16 ёшгача фарзанди бор ишловчи аёлларга ўртача иш ҳақи сақлангани ҳолда қисқартирилган иш кўни белгилаш, кўп болали ишловчи аёлларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш каби кўплаб имтиёз ва қўлайликлар шулар жумласидандир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида 4600 дан зиёд янги иш ўрни яратилганлиги, айниқса, тахсинга лойиқ, 20 мингга яқин ходим, жумладан аёллар, меҳнат бозорига рақобатлаша олмайдиган кишилар қайта ўқитилди ва малакаси оширилди. Марказий кенгашнинг биргина Тошкент вилояти вакиллиги тизимидаги 7 та йирк корхонанинг ўзида жорий йилнинг биринчи ярмида касаначилик бўйича 415 киши иш билан таъминланди. Уларнинг 65 фоизи хотин-қизлардир. Улар

билан меҳнат шартномаси тўзатиб, касабга уюшмасига қабул қилинди. Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликларнинг ўзи алоҳида мавзу. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги, давлат дастури қабул қилиниб, ижро этилаётганлиги бу йўналишда қанчалар илгарилар кетилганини кўрсатади.

Биргина Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабга

уюшмаси тизимида бугунги кунда 450 нафар ёшлар тармоқ шартномалари бўйича олий ўқув юрларида билим олмоқда. Уларнинг барчаси ўқини тугатгач, иш билан таъминланиши кафолатланган. Тармоқдаги олий ўқув юрларида ўқувчи иқтидорли талабаларга касабга уюшмасининг қўшимча стипендиялари таъсис этилган.

Конференцияда Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашнинг хотин-қизлар комиссияси ҳамда ёшлар билан ишлаш комиссияси раислари, Марказий кенгаш вилоят вакилликларининг хотин-қизлар комиссиялари раислари, Навоий тоғ-металлургия комбинати корхоналари ходимлари касабга уюшмаси вакиллари, комбинат хотин-қизлар кўмитаси раислари ҳам аёллар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби



Кўчмас мулк биржасида

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси таркибига кирувчи бироз инфратузилмаси ташкилотларидан бири — Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ташкил этилганидан буён 290 млрд. сўмлик 206 мингдан зиёд мулклар (курулиши тугалланмаган объектлар, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш объектлари, автотранспорт воситалари, умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан ер майдонлари, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш объектлари, кўчмас мулклар, ҳўжалик юритувчи субъектлар Устав фондидиги давлат улушлари ва бошқалар) сотилди.

РКМБ тизимида уюштирилаётган биржа ва аукцион савдоларида ошкораликнинг таъминланиши, инвесторларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида савдоларга қўйилаётган мулк, объектлар ҳақида кенг ҳамда батафсил маълумотлар эълон қилиниши ўзининг ижобий самарасини бераётди.

Натижада 2008 йилда РКМБ тизимида савдолар ҳажми 2007 йилга нисбатан 1,4 марта, нодавлат шаклидаги мулкларнинг сотиш ҳажми эса 1,5 баробарга ортди.



Умуман жорий йилнинг биринчи ярмида 3,7 мингта объект 49,4 млрд. сўмга сотилиб, режа 154,4 фоиз қилиб бажарилди. Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «2007 — 2010-йилларда ҳусурийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва ҳорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, кўчмас мулк биржаси тизимида 27 та объект жами 0,785 млрд. сўмга сотилди. Шу сингари, иккиламчи бозорга тегишли 47,3 млрд. сўм ёки 89 фоизни ташкил этди. Агар РКМБ тизимида сотилаётган мулк ва объектларнинг асосий қисмидан 65 фоизи марказлашган электрон биржа савдолари орқали амалга оширилган бўлса, қолган 35 фоизи тизимнинг аукцион савдолари орқали сотилди.

Мавриди келганда айтиб ўтиш лозимки, Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро эттиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур департаментнинг тегишли ҳуқуқий

ҳужжати асосан суд ижрочилари томонидан хатланган автототранспорт воситалари ва мулклар РКМБ тизимида ўтказилаётган аукцион савдоларида сотилмоқда. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишида суд ижрочилари билан ҳамкорлик яқши самара бераётди. Улар билан биргаликда ҳар бир аукционнинг ташкил этилишидан тортиб, натижаларига доимий равишда мониторинг олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида 275 та брокерлик идораси рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда 305 нафар брокер фаол фаолият юритмоқда. Маълумки, биржа савдолари самарадорлиги кўп жиҳатдан брокерларнинг сая-ҳаракатига боғлиқ. Шу боис, РКМБ тизимида доимий равишда «брокер соти» ва шунга ўхшаш семинарлар ўтказиб турилади. Ташкил этилаётган бундай тадбирларда брокерлар биржа савдоларидаги янгиликлар билан танишадилар. Шунингдек, юзга келадиган муаммолар ечими ва брокерлик идоралари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича маслаҳатлар оладилар. Брокер бўлишни истаган, лекин ўқув курсларининг тўлови учун имконияти бўлмаган кишилар учун шартнома асосида биржа ҳисобидан пул тўлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларга қўшимча қўлайликлар яратиш, объектларнинг харидорлар томонидан сотиб олинishiда тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида талай қўлайликлар ҳам яратилмоқда. Жумладан, Республика Кўчмас мулк биржаси тизимидаги савдоларга Интернет орқали уланishi имкониятининг яратилгани айни мuddао бўлди.

Нодира ҲОШИМОВА,
Республика Кўчмас мулк биржаси матбуот котиби

Замон билан ҳамнафас

Сўз конференция иштирокчиларига



Озода МУХИТДИНОВА,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари:
— Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ижтимоий ҳолати, диний ва шахсий этиқоидидан қатъи назар, бир хил ҳимоя қилинади. Юртимизда иқтисодий, ижтимоий тараққиёт топан жамият куриш учун барча имкониятлар яратилди. Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан тараққиёт этишига муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимизга алоҳида эътибор берилмоқда. Аёлларнинг ҳуқуқи Конституциямиз, оила, меҳнат ва бошқа

қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Ўзбекистон хотин-қизларни қамқатишни бартараф қилиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг оналикни ҳимоя қилиш бўйича, меҳнат ва бошқа машғулотларда тенг ҳуқуқлиқ, меҳнат учун эркаклар билан тенг миқдорда рағбатлантириш, аёллар ҳимоясига доир халқаро конвенцияларга қўшилган. Демак, аёлларимиз ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланган.

Касабга уюшмалари бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан мустақам ҳамкорликда аёлларнинг меҳнат, ижтимоий, маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишига ҳисса қўшиб келмоқда. Худудий жамоа келишувлари орқали аввало кам таъминланган кўп болали аёлларни ҳимоя қилишга эътибор қаратилаётганлиги. Касабга уюшмаларининг ҳаракат дастурига мувофиқ, фуқаролик жамияти куриш шароитида устувор йўналиш уларнинг ҳаётининг яқши-лашдан иборат. Оила ва жамиятда уларнинг фаоллигини ошириш, шахсининг дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлиқлиги, айниқса, гендер тенглиги, қўшимча имтиёзлар яратиш тўғрисидаги масалалар Президент формонлари, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кафолатланган.

Касабга уюшмалари ва халқаро тажрибалар

Юрган — дарё



ёхуд бир сафар таассуротлари

Манфред ВАРДА, ICSEM бош котиби:

— Уйлайманки, бугунги йилгилишга касабга уюшмалари савдоқатли ажойиб хотин-қизлар тўпланган. Уюшма фаолиятини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аёлларнинг гендер ва меҳнат муаммоси жаҳон миқёсидаги муаммодир. Мен бугун Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг умум эътироф этилган кўпгина ҳужжатларига қўшилганини эшитиб хурсанд бўлдим. Бошқа томондан, тажриба шуни кўрсатадики, ХМТга қўшилишининг ўзи камлик қилади. Афсуски, дунё бўйича бу соҳадаги ишларни барқарор ва қатъий деб бўлмайди, улар мав-


сумий характерга эга. Бу ҳолатда хотин-қизлар кўпроқ азият чекади. ХМТ ҳужжатларида мустақамланган эркак ва аёлларнинг доимий бандлиги қоидаларига ҳар доим ҳам риоя қилинмайди. Шунинг учун ҳам ICSEM касабга уюшмалари конфедерацияси, Халқаро касабга уюшмалари ҳаракатининг муносиб меҳнатни таъминлаш борасида олиб бораётган ишларини қўллаб-қувватлайди. Жорий йилда бу ишнинг аҳамиятини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Уйлайманки, ICSEM хотин-қизларнинг орзу-умидларини рўйбага чиқариш, манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдамани аямайди.



Брюс КЭРОЛ, ICSEMнинг аёллар комиссияси иши бўйича бош мутахассиси:

— Меҳнаткаш хотин-қизларни, оналик ва оталикни ҳимоя қилиш конференциянинг мақсадларидан биридир. Бунга нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам масъул. Кейинги анжуманларда ҳам бугунгидек эркаклар ва ёшлар иштирокига гувоҳ бўламиз деган умиддамиз. Чунки ёшларга нима кераклигини, орзу-умидларини уларнинг ўзидан эшитиш мумкин. Касабга уюшмалари фаолиятида ҳам бунга алоҳида эътибор берилди деб ўйлайман.

ҳаракатида эркаклар қатори ҳуқуққа эга бўлиши керак. Тенглик деганда нафақат аёллар ва эркаклар, балки ёшлар ва кексалар, доимий ва мавсумий ишловчилар тенглик назарда тутилади. Қаерда яшайдан, иқтисодий, ижтимоий вазиятидан қатъи назар, одамлар тенг имкониятга эга бўлиши зарур. Хотин-қизларни бошқарув тизимида ҳам жалб қилиш лозим.



Евгения ЕСЕНИНА, ICSEM вице-президенти, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Барчанамиз касабга уюшмаси ходимларимиз, ниятимиз бир, шунинг учун бизни ажратиб бўлмайди. Бир нарсадан хурсандман, аёллар конференциясига эркаклар ҳам келишибди. Демак, бизнинг олдимизда турган муаммолар уларни бефарқ қолдирмапти. Кўпгина давлатларда хотин-қизлар муаммосига доир дастурлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон бу борада барчага намуна бўлмоқда.


Келажакда иш бериувчилар билан ҳам учрашаримиз, улар давлатдан ташқари уларни ҳам хотин-қизлар меҳнатини молиялаштириш бўйича мулоҳазаларини айтдилар деб ўйлайман.



Гулнора МАЪРУФОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари:

— Инсон ҳуқуқлари, оила, аёллар ва бола-лар манфаатларини ҳимоялаш борасида мамлакатимизда кенг миқёсда иш олиб боришмоқда. Биринчи марта сайловда сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатишда хотин-қизлар квотасини белгилади. Олдинги қаҳирқандаги нисбатан аёл депутатлар сонини кўпайтирдик. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери аёл кишидир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки

ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Хабарингиз бор, юртимизда хотин-қизларнинг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, улардан 40 фоизини аёллар банд қилади. Касаначиликка қатта эътибор берилаяпти, улар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган, меҳнат дафтараҳси юритилади ҳамда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.



«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди

Мана шундай халқаро тадбирларнинг ўтказилиши ҳам аёлларга берилган эътибор ифодасидир.

«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди

Санъат

Пўлат Мадреймовнинг рақсларидан завқланмайдиган элдошимиз топилмас керак. Хар доим унинг рақсини томоша қиларканман, кўз ўнгимда қорақалпоқ кенгликлари, ажойиб инсонлари, бетақроқ одатлари гавдаланади. Санъаткор билан яқиндан суҳбатлашиш орузи анчадан бери менга тинчлик бермасди...

Балетмейстерни қизгин иш жараёнида, «Айқулаш» ансамбли билан янги рақс дастури тайёрлашаватганда учратдим.

— Зарипбой, сендан илтимос, мусиқа ни бутун вужудинг билан ёз, жўшиб ёз, баланд пардаларда ёз, — қайта-қайта такрорларди у бастакорга. — Ватан ҳақида шунчаки қуйлаб бўлмайди, уни авж пардалардаги мусиқада ифодалаш мумкин. Фақат ёрқин рангларда тасвирлаш керак. Рақсимиз ҳам шундай, жўшқин ва қайноқ, жозибали бўлиши шарт.

— Сизни тушундим, оқсоқол, — Зарипбой Холмуродов фортепьяно ёнига ўтириб, чалишга киришади. — Шу йўналиш бўладими?

— Янаям, янаям, мана қара, — балетмейстер қорнига шепалоқ уриб, жангдор куй ҳосил қилди.

Бастакор билан бироз тортишгач, мена юзландилар.

— Сизни зериктириб қўймадикми? — Асло.

— Илтимос, энди бир замон менсиз шуғулланиб турсангизлар, юрагимни озгина бўшатиб олмақчиман.

Шогирдларини машғулот залига куза-

жиссёрнинг фигони фалакка чиққан.

— Урнига мен ўйнай қолай, — дедим ёнига бориб. Режиссёр менга бош-оёқ рақс солиб, кўлингдан келармикин деди. Мен ўйнаб кўрсатдим. Шу кундан эътиборан профессионал фаолиятим бошланди. 1962 — 1965-йиллари хореография билим юртида таҳсил олдим. Кейинчалик Москвадаги театр ва санъат институтида ўқишни давом эттирдим.

Кези келганда шу нарсани айтиб ўтишни истардим. Рақс шунчаки чиройли ҳаракатлар йиғиндиси эмас, қўшиқ, мусиқа ёки сурат қандай санъат асари бўлса, рақс ҳам шундай, ўзига хос асар. Унинг ҳам ўз маъноси, шакли бор. Кейинги йилларда профессионал раққос ёки раққосалар қамайиб кетаётгани таъвишлантиради мени. Балетмейстерлар ҳақида-ку айтмай қўя қолай. Рақсларимиз миллийлигини йўқотаяпти. Арабча, туркча, хоразмча, ҳаммаси аралашиб кетаяпти. Уйин тушиб юрганларнинг кўпчилиги рақс нималигини умуман билмайди. Тарихни сочиб юборсанг, кейин йиғиб олишнинг иложи йўқ. Рақс ҳам шундай, профессионализмни йўқотиб қўйсақ, уни тополмай қолишимиз мумкин. Томошабин рақсдаги хатоларни тушунмаслиги мумкин. Аммо биз бир қарада биламиз. Санокли қолган ҳамкасбларимдан фаолроқ бўлишни сўрадим. Бир неча бор балетмейстерлар уюшмаси ташкил

Рақсларда жилвалатанган ҳаёт

Балетмейстер, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Татаристонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиб Пўлат Мадреймов ҳузурда



тиб қўйгач, балетмейстер жиддий тортиб қолди. — Сиздан олдин мен бир савол берсам майлими? Музейимизда бўлдингизми? — Ҳа, худаям ажойиб. — Раҳмат. Йўқ десангиз сиз билан суҳбатимиздан маъни чиқмасди. Негаки, санъат, айниқса, рақс санъати ҳақида гапиришдан олдин шу халқ ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Бунда эса, шубҳасиз, музейлар энг катта кўмакчи. Мен ўзим 48 йилдан буён дунё кезаман. Қаерга бормай, биринчи қиладиган ишим музейи ва кутубхонасини зىёрат қилиш бўлади.

Сиз билан учрашув вақтини келишганимиздан буён кўнглимдан кўплаб фикрлар ўтиди. Саволларингизни беришингиздан олдин уларни айтсам... Китебларда ўқиганим шонли тарихимиз кўз олдимда гавдаланди. Ўзбек ва қорақалпоқ — илдири бир халқ. Муқтазиллик туғайли новда-у шоҳлари ҳам бирлашди. Мен хар доим улуғ халқ фарзандиман деб фахрланаман. Яқинда 100 томлик қорақалпоқ фольклори босмадан чиқди. Уларни кунт билан қайта-қайта ўқилган. Хар сафар янги рақсларга илҳом ва мавзу олаётганман. Хар бир балетмейстер тарихни мукамал билиши шарт, айниқса, халқ озаки ижодидан баҳраманд бўлмасдан туриб миллий рақс яратиш мумкин эмас. Бундан ташқари, расмларни яхши тушуниш, истеъдодли дизайнер, психолог ҳам бўлиш лозим. Дейлик, мен олмай ушлаб турган қизнинг расмини кўриб қолдим. Шуурида уни дарров жонлантира билишим керак. У олманга нега ушлаб турибди? Кўзларида қандай маъно яширин? Бу сулувга қайси миллий либос ярашади? Бошига саукеле кийдирсаммиким, бошўрвони, дегалей, тахия, балки қизиллаш ярашар?

Пўлат оға ушбу бош кийимларнинг қайси ёшида, қай мавсумда кийилиши ҳақида айтиб ўтди. Бошқа қорақалпоқ миллий либослари, урф-одатлари хусусида ҳам кенг тўхтади. Оғанинг хикояларини тинглаб, қаршимда оддий раққос ёки балетмейстер эмас, буюк шахс, ўзига хос характерга эга инсон турганини англаб өтдим. У киши учун тайёрлаб келган саволларим жўндай туюлди.

— Раққосликни қачон бошлагансиз? — Болалигимда десам тўғри бўлар. Чимбой туманида туғилганман. «Анғалақ», «Есинбой» каби миллий ўйинларни ўйнаб катта бўлганмиз. Рақс жон-у дилим эди. Назаримда, қачон рақс тушсам, ондан қайта туғилгандай бўлардим. Очиғи, уша пайтлари раққослик ўзига хос касб эканлигини билмасдим. Йўқса қурилиш техникумига ўқишга кирмаган бўлардим. 1960 йили таҳсилни тамомлагач, театрда сахна устаси бўлиб иш бошладим. Саҳна орқасидан машғулотларни кузатарканман, юрагим халқпарқарди. Уйга келиб, ҳаракатларни такрорлардим. Уларни бир қарашдаёқ ёдлаб олардим. Театрда катта дастур намойиш қилинадиган кунни раққослардан бири келмай қолса бўладими? Ре-

қилиш кераклигини айтганман. Негадир фикримни инобатга олишмаяпти. Биз истаган рақсни томоша қилиб, у яратилган муҳит ҳақида маълумот бера оламиз. Минг афсуски, бугунги рақсларимиз анчайин эротик бўлиб қолган. Уларга қарасам, юрагим оғрийди. Томошабинлар ҳам ҳеч қандай маънавий озука, завқ ва бетақроқ санъат. Уни ажодларимиздан қандай қабул қилган бўлсақ, шундайлигича авлодларга ўтказиш бизнинг қарзимиз. Хоразм лагисси профессионал даражада ижро қилинапти деб ўйлайсизми? Мен эса бу рақснинг келажигидан хавотирдаман.

— Фаолиятингиз «Айқулаш» ансамбли билан боғлиқ. Шу ансамбл ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Нафақат фаолиятим, ҳаётим, тирикчилигим, борлигим шу ансамбл билан боғлиқ. «Айқулаш» 1956 йили Станиславский номи ансамбли қошида ташкил қилинган. Боиси, 1957 йили Тошкентда биринчи Қорақалпоғистон декадаси ўтказилган. Мен ушбу ансамбл учун 80 дан ортқ рақс саҳналаштирганман. «Чавандозлар», «Чағала», «Олти қиз», «Жилва», «Беспарда», «Бес қўйи» каби рақсларимни жамоамиз яйраб ижро қилади. Айни пайтда, 80 киши фаолият кўрсатамиз. Шундан 65 нафари ижодий ходим. Беш-олти йилдан буён Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Зарипбой Холмуродов билан ҳамкорлик қиламиз. У «Элларим бор», «Шашаб», «Кийгизбаси», «Бир коса чой» каби рақсларимизга мусиқа ёзган. Матни асосан фольклордан оламиз. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Султон Қунназаров, Ислам Сейтмуродов, Солиа Сарсенова, Мухаббат Бекжонова, Лаура Қалимбетова ансамблнинг истеъдодли аъзолари. Ёш раққосамиз Қаллигул Сарсенбоева яқинда Мукаррама Турғунбоева номидаги раққосалар танловида 3-уринни эгаллади. Жамоамиз билан Корея, Франция, Хитойда бўлдик. Мен жамоамга биз халқимизнинг юзимиз, шунга лойиқ иш қилишимиз керак деб кўп айтаман.

— Устоз ва шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Москвада институтда ўқиб юрган кезларим Василев, Ткаченокларнинг маърузаларини маза қилиб тинглардим. Чин устозим эса ҳаёт, тарих. Рус санъаткорларидан бирдан шогирдларингиз борми деб сўраганида у Пушкиннинг шогирди бўлганим деб жавоб қайтарган. Санъатнинг барча турлари қатори раққослик, балетмейстерлик ҳам тақдир инъоми. Рақсга тушишни ўргатиш мумкин, аммо рақс яратишни ўргатиб бўлмайди...

Балетмейстер билан суҳбатимиз анча чўзилди. У киши қорақалпоқча дангаллик билан юрагини ўртаётган гапларини ҳам тўқиб солди. Айниқса, миллийликни асраш кераклиги ҳақидаги, мутахассисларни кадрлаш лозимлиги тўғрисидаги фикрлари ҳақида барчамиз ўйлаб қўришимиз керак назаримда.

Жамоа аъзолари рақсимиз тайёр бўлди деб қистайверган, у мени машғулот залига бошлади. Ушбу рақсдан бир парча томоша қилишга муваффақ бўлдим.

Бир қатор унвонлар, «Мехнат шухрати», «Фидокорона хизмати учун» орденлари соҳиби Пўлат Мадреймов билан гурунглашиб, тарих, санъат ҳақида ҳали кўп нарсаларни ўрганишим кераклигини англадим. Тарихни ва бугунни, миллат-у миллийликни, қувонч-у гами, бординки, дунёни рақсларга сингдира билган бу инсон билан яна кўришиш истагиде хайрлашарканман, ҳаёлимдан Игор Моисеве қанчалик буюк бўлса, Пўлат Мадреймов ҳам шунчалик бетақроқ деган фикр кечди.

Мухаббат ТўРАБОВА суҳбатлашди

Юрт шарафини улуғлаш — бош мақсадимиз



● Истиклол йилларида ўзбек спортчилари эришган ютуқлар салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Албатта, бунинг замирида юртимизда спортга берилётган эътибор ётибди.

Қўҳна ва ҳамisha навқирон Қўқон шаҳрида мустақилликнинг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йиллига бағишлаб ўтказилган ағрестлинг бўйича Фарғона вилояти очик чемпионатида 200 дан зиёд ёшлар ўзаро беллашдилар.

«Маҳмуджон» хусусий бокс клубидаги баҳслар қизгин кечди. Мусобақа ғолиблари республика чемпионатиға йўл олди.

Абдулхай ЮНУСОВ олган суратлар



Бухорода қовун сайли

Ўз даласида етиштирган полиз маҳсулотларидан 12 тоннасини машиналарға ортиб вилоят марказида ташкил этилган XII аънавий қовун сайлиға кетган Шофирқон туманидаги «Азим Шофирқон юлдузи» фермер хўжалиги аъзоси Жўрабой Латипов 3 кундан сўнг уйига янги рангли телевизор кўтариб келди. Сайлда 30 навадан ортқ қовун-тарвузи билан катнашган Жўрабой полизчи нуфузли ҳаётнинг қарорига кўра ана шундай мукофотта лойиқ деб топилди. Жондор туманидаги «Элмурод, Дўстмурод, Шаҳриёр», мазкур тумандаги «Жўра Амин», Пешку туманидаги «Рамзиддин, Рамазон, Асл» фермер хўжаликлари деҳқонлари ҳам ана шундай хурсандчилик наҳдасини суришди.

рон, кам таъминланган оилаларға тортиқ қилдилар. Айниқса, Жондор, Фиждудов, Шофирқон туманларидан келтирилган ёз неъматлари ўзининг сифати ва арзонлиги билан харидорлар эътиборини қозонди.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида дўйланман, — дейди польшалик меҳмон Моника Жарновецка. — Аммо Бухоро қовунларининг мазаси тамоман бошқача экан. Уни асалга тенглаштирсангиз, янглишмайди киши.

Уч кун давом этган сайлда қатнашганлар деҳқонларнинг ҳимматидан, саховатпешалигидан, меҳр-мурувватидан мамнун бўлдилар. Уларнинг фаолиятиға барака тиладилар.

Қовун сайли якунида ўтказилган тадбирда аънанани кенг доирада давом эттириш, полизчиликка эътиборни ошириш, унутилган навларни қайта тиклаш борасида маслаҳатлашиб олдилар. Тадбирнинг намунали ўтказилишида вилоят «Нуроний» жамғармаси, агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмалари вилоят ва туман кенгашлари раҳбарлари фаол иштирок этдилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

Демократик қадриятларға асосланган фуқаролик жамияти барпо қилинаётган мамлакатимизда шахс қадр-қиммати эъзозлашға катта эътибор қаратилган. Айниқса, жамият раванқини белгилаб берувчи таълим ва фан соҳасида хизмат қилаётган ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

дорида пул ажратилади. Янги ўқув йилида кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ёрдам тариқасида кийим-кечак тарқатилди. Эзги таътилда ходимлар «Чорвоқ» ўқув-тажриба базасида 5 кун дам олишди. Уларнинг фарзандлари учун оромгоҳларға 90 та йўлланма берилди. Бундан ташқари, ўқитувчилар бўш вақтида соғлигини тиклаш учун спорт тўғарақлари ташкил қилинди. Улар ўрта-сидда турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон миллий университети қасаба уюшма қўмитаси анча йиллардан буён самарали фаолият юритиб келаяпти.

2000 йилға келиб ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар бирлашган қасаба уюшма қўмитаси икки мустақил ташкилотта: ўқитувчилар ва ишчи ходимлар қасаба уюшма қўмитасига бўлинди. Ҳозир ўз сафиға 3 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган ўқитувчилар қасаба уюшма қўмитаси кўп тармоқли таркибға эга бўлиб, унда 13 факултет, 2 институт, 1 академик лицей, 1 олий бизнес мактаби ва 12 бўлимнинг бошланғич қасаба уюшма ташкилоти иш олиб боради.

— Асосий мақсадимиз университет педагог ходимлари ва ишчиларини ижтимоий ҳимоялашдир. — дейди қўмита раиси Аҳмадхон Холмурзаев. — Масалан, университет билан ҳамкорликда кўп

болали, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлар

рўйхатға олиниб, уларға доимий равишда ўзМУ қасаба уюшма қўмитаси томонидан хар ой 150-300 минг сўм миқ-



Нигора ТўХТАМАТОВА, ўзМУ аспиранти

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors.